

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Tar.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛОХУНОВ АЛИШЕР АХМАДЖОНОВИЧ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ БРОНЗА ВА
ИЛК ТЕМИР ДАВРИ ТАРИХИ
(маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар муаммолари)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of abstract of the doctor of philosophy (PhD) dissertation

Алохунов Алишер Ахмаджонович

Фарғона водийсининг бронза ва илк темир даври тарихи (маданий,
ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар муаммолари).....3

Алохунов Алишер Ахмаджонович

История Ферганской долины эпохи бронзы и раннего железа (проблемы
культурных, социально-экономических и политических отношений).....25

Alokhunov Alisher Axmadjonovich

The history of the Fergana valley of the bronze and early iron age (problems of
cultural, socio-economic and political relations).....47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....51

АНДИЖОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ИЛМИЙ ДАРАЖАСИНИ
БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Tar.60.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АЛОХУНОВ АЛИШЕР АХМАДЖОНОВИЧ

ФАРҒОНА ВОДИЙСИНИНГ БРОНЗА ВА
ИЛК ТЕМИР ДАВРИ ТАРИХИ
(маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий муносабатлар муаммолари)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

ТАРИХ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.3.PhD/Tar7 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Фарғона давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (<http://kengash.adu.uz/tarix/>) ҳамда «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: Исмаилов Муҳаммад Хасенович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: Матбобоев Боқижон Ҳошимович
тарих фанлари доктори, профессор
Йўлдашев Икромжон Турсунович
тарих фанлари номзоди

Ётақчи ташкилот: Ўзбекистон Миллий университети

Диссертация химояси Андижон давлат университети ҳузуридаги фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини берувчи PhD.03/30.12.2019.Tar.60.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «11» сентябрь соат 10 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 170100, Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Андижон давлат университетининг Тарих факультети биноси, 1-кават, 108-аудитория. Тел: (0374) 225-73-21; факс (0374) 225-73-21; e-mail: agsu_info@edu.uz Андижон давлат университети).

Диссертация билан Андижон давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (6 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Андижон шаҳар, Университет кўчаси, 129-уй. Бош бино). Тел: (0374) 225-84-33; Факс: (0374) 225-88-30.

Диссертация автореферати 2020 йил «26» август куни тарқатилди.
(2020 йил «17» 07 даги 12 - рақамли реестр баённомаси)



Р.Т.Шамсутдинов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

М.О.Алихожиев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф.и., доцент

У.С.Абдуллаев
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда инсоният томонидан яратилган тарихий-маданий мерос объектларини илмий асосда ўрганиш, сақлаш ва таъмирлашга катта эътибор қаратилмоқда. Бу борада, қадимги даврларда юз берган маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнларга ҳаққоний баҳо беришда археологик, этнографик ҳамда ёзма манбаларнинг ўзаро қиёсий таҳлилига асосланган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамиятга эга.

Дунёдаги 60 га яқин илмий тадқиқот муассасаларида¹ минтақамизнинг энг қадимги даврдан ҳозирги кунгача бўлган тарихини археологик, этнографик, геосиёсий жиҳатдан ўрганишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хитой, Япония, Франция, Польша ва бошқа давлатлар вакиллари билан ҳар йили 15 дан ортиқ халқаро археология мероси объектларида тадқиқотлар олиб борилаётгани² халқимизнинг узок моддий ва маънавий ҳаёт тарихини ўрганиш жаҳон илмий жамоатчилиги олдидаги долзарб вазифалардан эканлигини англатади. Ушбу тадқиқотларда юртимиз, хусусан, қадимги Фарғона маданиятининг тарихий илдизларини аниқлаш, унинг минтақа маданияти ривожига кўрсатган таъсирини очиб бериш бош мақсад сифатида белгиланган. Шунга қарамасдан, Фарғона водийсида бронза ва илк темир даврида кечган маданий, ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар археологик, этнографик ҳамда ёзма манбаларнинг ўзаро қиёсий таҳлили асосида яхлит тарзда, тўлалигича ўрганилмай қолмоқда.

Республикамызда халқимизнинг бой тарихи ва маданиятининг ажралмас бир қисмини ташкил этадиган, маънавий ва иқтисодий тараққиётимиз учун ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлган тарихий маданий мерос объектларини илмий тадқиқ этиш, уларни юртимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида тарғиб қилиш юзасидан кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Сўнгги йилларда Ватанимиз тарихини ўрганиш тизимини тубдан такомиллаштириш, айниқса, «мамлакатимиз ҳудудида қадимги даврлардан бошлаб ривожланган қишлоқлар, шаҳарлар ва цивилизация марказларининг бой ўтмишини археологик жиҳатдан тадқиқ этиш ва тарихий жараёнларни тиклаш»³ долзарб вазифа сифатида белгиланганлиги шу соҳадаги илмий-тадқиқот ишлари муҳим аҳамиятга эга эканлигини англатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сонли «2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини

¹ <http://tmarkaz.uz/wp-content/uploads/2017/10/baza.pdf>. Марказий Осиё ва Урал Миллий ресурс Маркази (Inner Asian and Uralic National Resource Center), Индиана, АҚШ, (<http://www.indiana.edu/~iaunrc/>) Вашингтон университети, Россия, Шарқий Европа ва Марказий Осиё тадқиқотлари маркази (Institute for European, Russian and Eurasian studies) (IERES) Вашингтон, АҚШ (<http://www.gwu.edu/~ieresgwu/>) Ўрта Шарқ институти (The Middle East Institute), Вашингтон, АҚШ, <http://www.mei.edu/> Бонн университетидеги Марказий Осиёни ўрганиш маркази, Бонн, Германия, (<https://www.bfo.uni-bonn.de/zentralasien>) Бурят-Монгол давлат институти Марказий Осиё ва Кавказ мамлакатлари бўлими, Бурятия Республикаси, Россия, (<http://www.imbt.ru/>).

² <http://uza.uz>. Маданият ёдгорликлари тарих ва ўтмишдан сўзлайди. 17:03:54. 10.10.2017.

³ <https://lex.uz>. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги “Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 792-сон қарори.

ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 17 февралдаги ПҚ–2789-сон «Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда 2018 йил 18 январь Ф–5181-сон «Моддий маданий ва археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланишни такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармойиши, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 21 сентябрдаги «Археологик тадқиқотларни тубдан такомиллаштириш тўғрисида»ги 792-сон қарори, шунингдек, соҳага оид бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси⁴. Фарғона водийсида бронза ва илк темир даври тарихи мавзуига дахлдор манбаларнинг топилиши ҳамда ўрганилиши тарихи водий Россия империяси томонидан босиб олингандан кейин бошланган. Фарғона водийси қадимги давр тарихи ва маданиятини ўрганишда Россия империяси ҳамда совет олимларининг ўрни мавжудлигини таъкидлашимиз керак. Натуралист олимлардан А.П.Федченко, Н.А.Северцов, А.Ф.Миддендорф, шарқшунос олимлардан Н.И.Веселовский, В.В.Бартольд, хитойшунос И.Бичурин⁵, кейинчалик, А.Хўжаев ва А.Айтбоев⁶, археолог олимлардан А.Н.Бернштам, Б.А.Латинин, Т.Г.Оболдуева, В.Д.Жуков, СССР Фанлар академияси Ленинград бўлими Археология институтидан

⁴Диссертациянинг I бобида Фарғонанинг бронза ва илк темир даври ёдгорликларининг ўрганилиши тарихи батафсил ёритилади.

⁵ Северцов Н.А. Орографический очерк Памирской горной системы. – Санкт-Петербург, 1886. XX. – 384 с.; Федченко А.П. Путешествие в Туркестан. – Москва, 1950. – 96 с.; Миддендорф А.Ф., Шмидт К. Очерки Ферганской долины. Издательство: Тип. Имп. Акад. наук. 1882. – 303 с.; Веселовский Н.И. История Императорского Русского Археологического Общества за 50 лет. – Санкт-Петербург, 1900; Бартольд В.В. История культурной жизни Туркестана. – Ленинград, 1927. – 256 с.; Ўша муаллиф. Собрание сочинений в 9 томах. – Москва, 1963-1977; Бичурин Н.Я. (Иакинф). Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – Москва – Ленинград: АН СССР, 1950. – Часть I. – 333 с.; Ўша муаллиф. Собрание сведений о народах, обитавших в Средней Азии в древние времена. – Москва – Ленинград, 1950. – Ч.П. – 336 с.

⁶ Хўжаев А., Хўжаев К.А. Қадимги манбаларда халқимиз ўтмиши. – Тошкент, 2001. – 46 б.; Хўжаев А. Китайский фактор в Центральной Азии. – Ташкент: Фан, 2004. – 76 с.; Ўша муаллиф. О сведениях древне китайских источников о государстве Фергана (Дайюан) // Ўзбекистон тарихи ва моддий маданияти ёзма манбаларда. – Тошкент, 2005. – Б. 160-165; Ўша муаллиф. Буюк ипак йўли. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2007. – Б.279; Ўша муаллиф. Фарғона водийсининг Хитой билан савдо алоқалари // Мозийдан садо. – Тошкент, 2005. – №1. – Б. 46-47; Ўша муаллиф. Хўжаев А. Фарғона тарихига оид маълумотлар (Қадимги ва илк ўрта аср Хитой манбаларидан таржималар ва уларга шарҳлар). – Фарғона, 2013. – 288 б.; Айтбоев А. Қадимги Фарғона тарихидан. – Тошкент: Фан, 2002. – 109 б.; Ўша муаллиф. Хитой манбаларида Марказий Осиёдаги қадимий давлатлар // Шарқшунослик. – Тошкент, 2004. – № 12. – Б. 154-162.

Ю.А.Заднепровский, В.И.Спришевский, Е.Д.Салтовская, Давлат Эрмитажидан Н.Г.Горбунова, Андижон ўлкашунослик музейидан В.И.Козенкова, Фарғона ўлкашунослик музейидан Б.З.Гамбург, Г.П.Иванов, Наманган ўлкашунослик музейидан Ю.Г.Чуланов, Ўш ўлкашунослик музейидан Ю.Д.Баруздин ва Г.А.Брикиналар водий худудларида археологик тадқиқот ишларини амалга оширганлар⁷.

Совет тузуми даврида ва кейинги мустақиллик йилларида Фарғона водийси археологик обидаларининг ўрганилишида Я.Ғ.Ғуломов бошчилигидаги ўзбек олимларининг ўрни ҳам каттадир. Бу ўринда И.А.Ахроров, Э.Б.Қодиров, Б.Х.Матбобоев, А.А.Анарбаев, Ф.Мақсудов, Б.Абдулгазиева, С.Р.Баратов, Б.Абдуллаев⁸ ва бошқаларнинг олиб борган

⁷ Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА. – Москва – Ленинград, 1952. – № 26. – 346 с.; Латынин Б.А. Работы в районе проектируемой гидростанции на реке Нарыне в Фергане // ИГАИМК.– Москва, 1935. – Вып.110. – С.120-157; Ўша муаллиф. Вопросы истории ирригации древней Ферганы // КСИЭ. – Москва, 1957. – Вып. XXVI. – С.12-15; Ўша муаллиф. Эйлатанская расписная чаша // КСИИМК. – Москва, 1960. – Вып. 80. – С.90-92; Ўша муаллиф. Некоторые итоги работы Ферганской экспедиции // АСГЭ. – Ленинград, 1961. – Вып. 3. – С.109-171; Ўша муаллиф. Вопросы истории ирригации и орошаемого земледелия древней Ферганы. Обобщающий доклад по работам, представленным как дисс. ...докт. истор. наук. – Ленинград: ЛОИА АН СССР, 1962. – 32 с.; Оболдуева Т.Г. Раскопки 1960 г. на городище Эйлатан // КСИА. – Москва, 1962. – Вып. 91; Ўша муаллиф. О датировке стен Эйлатана // СА. – Москва, 1981. – № 4. – С. 186-195; Жуков В.Д. Некоторые результаты археологических работ в Кувинском районе Ферганской обл. // Изв. АН УзССР. – Ташкент, 1957. – Вып. 2. – С.17-21; Заднепровский Ю.А. Древняя Фергана: Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Ленинград, 1954. – 19 с.; Ўша муаллиф. Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии: Автореф. дисс. ... докт. истор. наук. – Москва: ИА АН СССР, 1978. – 52 с.; Ўша муаллиф. Археологические памятники южных районов Ошской области (середина I тыс. до н.э. – середина I тыс. н.э.). – Фрунзе, 1960. – 176 с.; Ўша муаллиф. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. – Москва, – Ленинград, 1962. – № 118; Ўша муаллиф. Ошское поселение. К истории Ферганы в эпоху поздней бронзы. – Бишкек: Мурас, 1997. – С.172; Спришевский В.И. Чустское поселение (К истории Ферганы в эпоху бронзы): Автореф. дисс. ...канд. истор. наук. – Ташкент: ИИА АН УзССР, 1963. – 86 с.; Салтовская Е.Д. Северо-западная Фергана в древности и раннем средневековье: Автореф. дисс. ...канд. истор. наук. – Душанбе: ИИА АН ТаджССР, 1971. – 24 с.; Горбунова Н.Г. Культура Ферганы в эпоху раннего железа: Автореф. дисс. ...канд. истор. наук. – Ленинград: ЛОИА АН СССР, 1961. – 15 с.; Gorbunova N.G. The culture of ancient Fergana. – BAR, 1986. – i.s.281. – 366 p.; Козенкова В.И. Археологические работы в Андижанской области в 1956 г. // КСИИМК. – Москва, 1959. – № 76. – С.34-39. Ўша муаллиф. Гайрат-тепа (к истории поселений Ферганы первой половины I тыс. н.э.) // СА. – Москва, 1964. – № 3. – С.218-237; Ўша муаллиф. Погребальные памятники Ферганы первых веков нашей эры // СА. – Москва, 1966. – № 1. – С.211-226.; Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Новые данные о культуре эпохи бронзы в Ферганской долины // СА. – Москва, 1957. – № 3. –С.130-135.; Иванов Г.П. Археологические культуры Ферганы (периодизация и синхронизация): Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Самарканд, 1999. – 25 с.; Ўша муаллиф. Государственность на территории Узбекистана в свете истории древней Ферганы. // Ўзбек давлатчилиги тарихида Фарғона водийси. – Фарғона, 2004; Ўша муаллиф. Кашкарчинский могильник – новый памятник эпохи бронзы в Фергане // ОНУ, №10. – Ташкент, 1988; Ўша муаллиф. Проблемные вопросы периодизации культуры древней Ферганы. Фарғона ўлкашунослиги. – Фарғона, 1996. – С.115-133; Чуланов Ю.Г. Некоторые новые памятники северной Ферганы // СА. –Москва, 1967. – № 2. – С. 54-62. Ўша муаллиф. Новые памятники эпохи бронзы Ферганы // СА. – Москва, 1963. – № 4. – С.194-199; Баруздин Ю.Д. Карабулакский могильник // ИАН Кирг.ССР. Серия общ. наук. – Фрунзе, 1961. – № 3. – С.43-82; Баруздин Ю.Д., Брыкина Г.А. Археологические памятники Баткена и Ляйляка (Юго-западная Киргизия). – Фрунзе, 1962. – 172 с; Брыкина Г.А. Карабулак. – Москва: Наука, 1974. – 127 с.; Ўша муаллиф. Юго-западная Фергана в первой половине I тысячелетия нашей эры. – Москва: Наука, 1982. – 196 с.

⁸ Ахроров И. Античная керамика с поселений Северной Ферганы // ТД Всесоюзной научной совещание «Античная культура Средней Азии и Казахстана. – Ташкент: Фан, 1979. – С.107-109; Ўша муаллиф. К истории фортификации и исторической топографии Ахсикента // ТД МК «Средняя Азия и мировая цивилизация». – Ташкент, 1992; Кадыров Э.Б. Хронология могильника Обишир в Фергане. – ОНУ, №1. – Ташкент, 1974; Ўша муаллиф. Новые материалы к изучению культуры древних скотоводов Ферганы (по материалам могильника Гурмирон) УСА. – Вып.3. – Ленинград, 1975; Ўша муаллиф. Древние погребальные памятники Ферганы как исторический источник: Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Ташкент, 1975. – 20 с.; Матбабаев Б.Х. Локальные варианты чустской культуры Ферганы: Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. –

ишлари диққатга сазовордир.

Тадқиқ этилаётган муаммога оид бўлган хорижий изланишлар, асосан, МДХ давлатларида олиб борилган. Улар айнан ўрганилаётган мавзуга бағишланган бўлмаса-да, Фарғона водийсининг hozirda қўшни Қирғизистон ва Тожикистон давлатлари таркибида бўлган шарқий ва жанубий ҳудудлари тарихининг айрим масалаларига оид тадқиқотлар ҳисобланади. Н.А.Мадалиев, Э.И.Тожиев, Н.А.Зотова, А.А.Юлдашев, А.Р.Аюбов, Н.Н.Негматовлар⁹нинг тадқиқотлари шулар жумласидандир. Уларда ушбу ҳудуднинг археологик жиҳатдан ўрганилиши тарихи, қадимда Фарғона водийсида аҳолининг жойлашуви ва тарқалиши, водий аҳолисининг Сўғд билан муносабатлари, «Фарғона» топонимининг келиб чиқиши каби масалалар кўриб чиқилган.

Ўш шаҳрининг 3000 йиллигини нишонлаш арафасида шарқий Фарғона ўтроқ деҳқонларининг тарихи ва маданиятини чуқурроқ ўрганиш мақсадида Қирғизистон, Ўзбекистон ҳамда Россия олимлари томонидан катта археологик изланишлар олиб борилган. Ушбу кўшма экспедиция тадқиқотлари натижалари ҳам маълум маънода ўрганилаётган мавзунини ёритишга хизмат қилган. Жумладан, «Ош и Фергана в исторической перспективе» (2000), «Ош и Фергана: археология, новое время, культурогенез, этногенез» (2000), «Ош и древности Южного Кыргызстана» (2001) тўпламларида археологик казишмалар натижасида олинган

Ленинград: ЛОИА АН СССР, 1985. – 18 с.; Ўша муаллиф. Қадимги Фарғонанинг илк ўрта асрлар даври маданияти (V-VIII асрлар археологик манбаларининг тарихий таҳлили асосида): Тарих фанлари докт. ... дисс. – Самарқанд, 2009. – 569 б.; Матбабаев Б.Х., Машрабов З.З. Древний и средневековый Андижан (историко-археологическое исследование). – Ташкент, 2011. – 254 с.; Матбобоев Б.Х., Машрабов З.З. Андижон тарихи (қадимги даврлардан XX аср бошларигача). – Тошкент: Sharq, 2014. – 280 б.; Анарбаев А. Қадимги ва ўрта асрларда Ахсикент // Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. – Тошкент, 2001. – Б.10-11; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда илк давлатчилик ва унинг ўрганилиши тарихидаги баъзи бир муаммолар // O'zbekiston tarixi. – Тошкент, 2004. № 4. – Б.3-14; Ўша муаллиф. Ўзбекистонда илк суғорма деҳқончилигининг шаклланиши ва антропоген ландшафтни ташкил топиши // Ўзбекистон ҳудудида деҳқончилик маданиятининг тарихий илдишлари ва замонавий жараёнлар. – Тошкент, 2006. – Б.9-16; Ўша муаллиф. Марғилоннинг узок ўтмиш маданиятини излаб. – Самарқанд: ЎЗР ФА Археология институти, 2007. – 47 б.; Анарбаев А., Исломов У., Матбобоев Б. Ўзбекистон тарихида қадимги Фарғона. – Тошкент: Фан, 2001. – 66 б.; Анарбаев А., Максудов Ф.А. Древний Маргилан. – Ташкент: Фан, 2007. – 161 с.; Ўша муаллиф. Ахсикент – столица древний Фергана. – Ташкент, 2013. – 535 б.; Максудов Ф.А. Становление и этапы развития земледельческой культуры южной Ферганы (вторая половина I тыс. до н.э. – первая половина I тыс. н.э., по материалам Маргилансайского оазиса): Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Самарқанд, 2002. – 25 с.; Ўша муаллиф. Қадимги Марғилон // Фарғона водийсининг қадимий шаҳарлари. – Тошкент, 2008. – 175 б.; Абдулгазиева Б. Восточная Фергана в древности и раннем средневековье: система расселения, районирование и типология: Дисс. ...кандидата исторических наук. – Самарқанд, 1988. – 201 с.; Баратов С.Р. Культура скотоводов Северной Ферганы в древности и раннем средневековье (по материалам курумов и мугхона): Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Самарқанд, 1991. – 24 с.; Абдуллаев Б.М. Возникновение и этапы развития фортификации Ферганы в древности (кон. II тыс. до н.э. – нач. II тыс. н.э.): Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Самарқанд, 2007. – 28 с.

⁹Мадалиев Н.А. История археологического изучения Южного Кыргызстана: региональный источниковедческий анализ: Дисс. ...канд. ист. наук. – Санкт-Петербург, 2003. – 168 с.; Тожиев Э.И. Вклад академика Б.А.Литвинского в изучение истории культуры Северного Таджикистана: Дисс. ...канд. ист. наук. – Душанбе, 2009. – 178 с.; Зотова Н.А. История расселения таджиков на территории Северо-Западной Ферганы: Дисс. ...канд. ист. наук. – Москва, 2003. – 232 с.; Юлдашев А.А. Южная Фергана в средневековых письменных источниках: Дисс. ...канд. ист. наук. – Душанбе, 2000. – 162 с.; Аюбов А.Р. Исторические аспекты становления и трансформации топонимов Согда и Ферганы (VI в. до н.э. – X в. н.э.): Автореф. дисс. ...доктора ист. наук. – Душанбе, 2020. – 55 с.; Негматов Н.Н. Сако-согдийский синтез на Сырдарье // Взаимодействие кочевых культур и древних цивилизаций. – Алма-Ата: Наука, 1989. – С. 292-301.

маълумотлар акс этган.

Шунингдек, америкалик тадқиқотчи Ф.Старр мухаррирлиги остида Нью-Йоркда нашр этилган «Ferghana valley: The heart of Central Asia» монографияси 1-бобининг муаллифлари А.Саидов, А.Анарбаев, В.Горячевалар Фарғона водийсининг бронза ва илк темир даври тарихини умумлаштириб, маълум бир тизимга соладилар¹⁰, Женифер Гарнер Андроново маданиятига хос жиҳатлар Фарғона водийсида учрашлиги тўғрисида бироз тўхталиб ўтади, холос¹¹. Демак, Фарғона водийсида қадимги аҳолидан қолган археологик манбалар анча мукамал ўрганилган бўлса ҳам, археологик комплексларни аниқ даврлар билан даврлаштириш масалалари, айниқса, манбаларда маълум бўлган манзилгоҳларни маълум бир ёдгорликлар, ёзма манбалардаги маълум этнослар ёки қабилалар билан боғлаш, уларнинг келиб чиқиши, аҳолининг миграцияси масалалари, этнослар орасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, мазор-қўрғонларда дафн маросимлари билан боғлиқ урф-одатлар таҳлили яхши ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Фарғона давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига киритилган «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Фарғона водийси бронза ва илк темир даври маданияти ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатлар тарихини ёритишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Фарғонанинг бронза ва илк темир даври бўйича барча тадқиқотларни қиёсий таҳлил қилиб, мавзу бўйича ҳал қилинадиган муаммоларни аниқлаш; археологик материалларни комплекс ва қиёсий таҳлил қилиш йўли билан бронза ва илк темир даври ижтимоий-иқтисодий муносабатларига илмий изоҳ бериш;

моддий маданият қолдиқларини қиёсий таҳлил қилиш орқали қадимий эътиқодлар ва диний қарашларни илмий асослаш;

миграцион жараёнларнинг аҳоли таркибининг шаклланишига, маҳаллий маданият ривожига ва этник жараёнларга таъсири, қадимги жамоалар ўртасидаги алоқалар хусусиятлари ва тарихий жараёнларнинг ўзгариши масалаларини илмий изоҳлаш;

илк шаҳарларнинг вужудга келиши, уларнинг географик жойлашиши, ички инфратузилмаси, хўжалигини таҳлилий тадқиқ қилиш ва уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлаш;

археологик ва ёзма манбалар асосида бронза ва илк темир даври сиёсий ҳаётини илмий изоҳлаш ва илк давлатчилик муаммоларига аниқлик киритиш.

¹⁰ Saidov S., Anarbaev A., Goriyacheva V. The Ferghana Valley: The Pre-Colonial Legacy // Ferghana valley: The Heart of Central Asia. – New York-London, 2011. – P. 3-28 (Frederick Starr, Editor).

¹¹ Jennifer Garner. Bronze Age tin mines in central Asia. // Archaeo metallurgy in Europe III Proceedings of the 3rd International Conference Deutsches Bergbau-Museum Bochum. June 29 – July 1, 2011. – Bochum 2015. – P. 135-143.

Тадқиқот объектини Фарғона водийсининг бронза, илк темир даври деҳқон ва чорвадорлари маданиятларининг ўзаро уйғунлиги тарихи ташкил этади.

Тадқиқот предмети сифатида мавзуга оид археологик маълумотлар, ёзма манбалар, тарихшунослик маълумотлари ва илмий-тарихий адабиётларнинг тарихий талқини танланган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида тарихийлик тамойили, қиёсий таҳлил, тизимлаштириш, таснифлаш, муаммовий-хронология каби усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги:

Фарғона водийсининг илк темир даври тарихига оид археологик ҳамда ёзма манбаларнинг қиёсий таҳлил натижаларига таяниб, водийнинг «Авесто жамияти» ҳудудларига кириши асосланган;

Фарғона водийси деҳқон жамоалари ва чорвадорлари маданиятларининг вужудга келиши, хўжалиги, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари тарихи ўрганилиб, уларнинг даврлаштирилишига аниқлик киритилган. Чуст маданиятининг келиб чиқишида энеолит ва илк бронза даврига оид маҳаллий жамоалар ҳамда Саразм маданиятининг ўрни ва роли археологик материалларга таянган ҳолда асослаб берилган;

Қадимги Шарқ ҳудудларида энеолит, бронза ва илк темир даврида бошланган миграцияларнинг Фарғона водийси қадимги маданиятларининг (Чуст, Қайроққум, Эйлтон, Оқтом маданиятлари) шаклланишига, ишлаб чиқариш ривожига ва этник жараёнларга ҳал қилувчи таъсири кўрсатиб берилган ҳамда икки хил хўжалик юритиш маданиятлари, яъни деҳқончилик йўналиши Чуст маданияти – Эйлтон маданияти; кўчманчи чорвачилик йўналиши Қайроққум маданияти – Оқтом маданияти босқичларининг хронологик кетма-кетлигига қўшимчалар киритилиб, янги талқин этилган;

Марказий Осиё ижтимоий-иқтисодий жараёнлар тизимида илк деҳқончилик (мил. авв. XIV–VII асрлар), дастлабки шаҳарлар (мил. авв. X–VII асрлар) ҳамда илк давлатчилик (мил. авв. VIII–VI асрлар) анъаналарининг юзага келишига таъсир кўрсатган ички (сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик, хонаки чорвачилик, ихтисослашган ҳунармандчилик) ҳамда ташқи (савдо ва маданий алоқалар) омилларнинг тадрижий ривожланиши Фарғона водийси археологик материаллари асосида исботлаб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари шу билан белгиланадики, ҳозирга қадар яратилган Фарғона водийсининг бронза ва илк темир даври тарихини ёритувчи барча ёзма ва археологик ёдгорликлар ўрганилган, тарихий маълумотлар ягона тизимга солинган, янги услубий ва назарий ёндашувлар асосида таҳлил қилинган ва илмий хулосалар берилган.

Тадқиқот натижалари Қадимги Фарғона моддий маданияти бўйича тўпланган маълумотлар базасини янада кенгайтиришга олиб келган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация археологик ва тарихий манбалар ҳамда далилларни тизимлаштириш ва умумлаштириш,

тарихий-қийёсий таҳлил, археологик даврлаштириш ва хронологик усул, мавзуга оид ёндашувлар, илмий қарашларнинг танқидий таҳлили, илмий хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилгани ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотдаги маълумотларнинг ишончилиги яна республика ва халқаро миқёсдаги илмий конференция материаллари тўпламлари, ОАК рўйхатидаги ҳамда хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётда жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги каби ҳолатларда намоён бўлади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Диссертация натижаларининг илмий аҳамияти, энг аввало, тарих фанининг археология, этнология, манбашунослик соҳаларидаги фанлараро янгича ёндашувлар ва масалага комплекс тарзда ёндашиш, янги илмий йўналишлар яратиш, қадимги тарихни тизимли равишда тарихийлик асосида тадқиқ этиш ва умумлаштирувчи услубларини такомиллаштиришга имкон беради.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, диссертациядаги умумлаштирилган маълумотлардан Ўзбекистон қадимги давр тарихининг янги қирраларини тарғиб қилишда, мактаб, лицей, олий ўқув юртлари талабалари ва ўқитувчилари учун янги авлод дарсликлари, ўқув қўлланмалари яратишда, республикамиз музейларини янги экспозициялар билан бойитишда, тарихий-маданий меросни тарғиб қилишда кенг фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Фарғона водийсининг бронза ва илк темир даври тарихига оид ишлаб чиқилган илмий хулоса ва таклифлар асосида:

Фарғона водийсининг бронза ва илк темир даври тарихига оид ёдгорликларнинг тарихий-археологик тадқиқи, жойлашиш ўрни ҳамда бу давр тарихи, маданияти, ижтимоий-иқтисодий муносабатлари ва диний турмуши ҳақидаги янги маълумотлар ва материаллардан Фарғона вилояти тарихи ва маданияти давлат музейи экспозицияларини шакллантиришда ва илмий тавсифлашда фойдаланилган ҳамда кўرғазмалар ташкил этилган (Ўзбекистон Республикаси маданият вазирлиги 2020 йил 3 февралдаги 01-12-10-471-сон маълумотномаси). Илмий маълумотлар хорижий ва маҳаллий сайёҳларнинг Фарғона водийси қадимги тарихига оид янги маълумотларни олиш имконини берган;

Фарғонанинг қадимги деҳқон жамоалари ва чорвадорлари ўртасидаги маданий алоқалар хусусиятлари ҳамда этник жараёнларга доир илмий хулоса ва натижаларидан Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси «O`zbekiston tarixi» телеканалининг «Taqdimot» кўрсатувида фойдаланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси 2020 йил, 30 январдаги 02-10-224-сон маълумотномаси). Бу кўп сонли телетомошабинларга бронза ва илк темир даври тарихи мавзуси доирасидаги кўникма ва билимларини ошишига

асосдир.

Фарғона водийсининг илк темир давридаги маданий тараққиёти ҳамда ижтимоий-иқтисодий муносабатларга оид илмий хулоса ва натижаларидан Ўзбекистон Республикаси Миллий телерадиокомпаниясининг «Дунё бўйлаб» телеканалида 2016 йил (Мингтепа шаҳар харобаси тўғрисида), 2018 йилда (Қува шаҳар харобаси тўғрисида) эфирга узатилган «Экспедиция» телекўрсатувини тайёрлашда манба сифатида фойдаланилган («Дунё бўйлаб» телеканали) Давлат унитар корхонасининг 2019 йил, 1 августдаги 08-14/338-сонли маълумотномаси). Мазкур маълумотлар кўрсатувни илмий далилларга бой ва халқчил бўлишини таъминлаш баробарида, кўҳна шаҳар харобаларининг қуйи қатламларидан аниқланган илк темир даври – Эйлатон маданиятига оид моддий маданият ашёларини ўрганиш орқали бу даврдаги ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнларнинг илмий-оммабоп услубда халқимизга ёритиб берилиши ёшларни улуғ аجدодларимиз яратган маданий меросни асраш ҳамда келажак авлодга қолдиришга ўз хиссасини қўшиш руҳида тарбиялашга қаратилган ишлар самарадорлигининг янада ошишига асос бўлиб хизмат қилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 9 та илмий конференцияда, жумладан, 5 та халқаро: «Актуальные проблемы и перспективы развития археологической и этнологической науки в Казахстане» (Казахстан, 2014); «Амударё цивилизацияси жаҳон маданияти тизимида» (Термиз, Ўзбекистон, 2014); «Прошлое и будущее Российской интеллигенции» (Москва, 2015); «Ученый XXI века». Международный научный журнал (Россия, 2016); «Фарғона водийси тарихи янги тадқиқотларда» мавзуидаги халқаро илмий конференция материаллари (Фарғона, Ўзбекистон, 2019) ҳамда 4 та республика илмий-назарий конференцияларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш чоп этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 та республика ва 2 та хорижий журналларда чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 145 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги, зарурати, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва предмети асослаб берилган. Республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари асосланган. Қўлга киритилган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши ва апробацияси

бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Фарғона водийсининг бронза ва илк темир даври деҳқон жамоалари ва чорвадорлар маданияти тарихшунослиги ва манбашунослиги**»га бағишланган бўлиб, ушбу бобнинг биринчи бандида, Фарғона водийси деҳқон жамоалари тарихшунослиги ҳақида фикр юритилган. Фарғона тарихининг бронза даври деҳқонлари ҳақида гувоҳлик берувчи археологик топилмалар XIX асрнинг охири – XX аср бошлариданоқ маълум эди.

XX асрнинг 30-йилларида Фарғона водийсида Б.А.Латинин бошчилигида махсус экспедиция ташкил этилиб, бу экспедиция Култпепа, Эйлтон шаҳар харобасида ва Норин бўйидаги бир неча ёдгорликларда изланишлар олиб борди¹². Натижада биринчи бор Фарғона водийси тарихида қадимги ижтимоий-иқтисодий, маданий тараққиётнинг асоси бўлган деҳқончилик маданияти қолдиқларини, айниқса, бронза даврининг охири ва илк темир даврининг бошларига оид маданиятларни аниқлашга эришди. Кейинги йирик археологик изланишлар 1939 йили Катта Фарғона канали қурилиши даврига тўғри келади. Т.Г.Оболдуева деҳқонларга хос осори атиқаларни Туркменистондаги Анов I маданияти ёдгорликлари билан қиёслаб ўрганди¹³. А.Н.Бернштам Ўш воҳасида қўлда ясаиб, қора бўёқ билан геометрик нақш солинган сополларни аниқлади ҳамда уларни Фарғонадаги илк деҳқончилик маданиятига тааллуқли деган хулосага келди¹⁴.

Помир-Фарғона экспедицияси қатнашчилари М.Э.Воронец ва В.И.Спришевскийлар ҳозирги Чуст шаҳри яқинидан сўнгги бронза даврига оид катта ёдгорликни аниқлаб, уни ўрганишга киришдилар¹⁵. 1953-1961 йилларда В.И.Спришевский ёдгорликнинг деярли барча жойларида кенг миқёсли археологик қазишмалар олиб борди¹⁶. У Фарғона водийси қадимги деҳқончилик маданиятининг ўрганилаётган даврга хос хусусиятларини тўғри аниқлай билди.

1952 йили Ю.А.Заднепровский шарқий Фарғонанинг Қорадарё бўйида бронза даврининг иккинчи ёдгорлиги майдони 25 гектар бўлган Далварзин харобасини аниқлади. 1954 йили Ю.А.Заднепровский Фарғона водийсидаги барча археологик материалларни, шу жумладан, Эйлтон ва Далварзиндаги қазишмалар хулосаси ва материалларини ҳам жалб этган ҳолда барчасини ўзининг тадқиқот ишида умумлаштирди¹⁷. Ю.А.Заднепровский Далварзиндан 5-6 км шимолий-шарқда, Қорадарёнинг чап қирғоғида жойлашган Ашқолтепа ёдгорлигидан айнан Далварзин топилмаларига ўхшаш ашёларни

¹² Латынин Б.А. Работы в районе проектируемой гидростанции на реке Нарыне в Фергане // ИГАИМК. – Москва, 1935. – Вып. 110. – С.134-141.

¹³ Оболдуева Т.Г. Отчет о работе первого отряда археологической экспедиции на строительстве Большого Ферганского канала // ТИИ АН УзССР. – Ташкент, 1951. Т.4. – С.7-10.

¹⁴ Бернштам А.Н. Историко-археологические очерки Центрального Тянь-Шаня и Памиро-Алая // МИА. – Москва, – Ленинград, 1952. – № 26. – С.186.

¹⁵ Воронец М.Э. Археологическая рекогносцировка по Наманганской области // Известия АН УзССР. – Ташкент, 1951. – № 5. – С.93-97.

¹⁶ Спришевский В.И. Чустское поселение (К истории Ферганы в эпоху бронзы): Автореф. дисс. ...канд. истор. наук. – Ташкент: ИИА АН УзССР, 1967. – С.7.

¹⁷ Заднепровский Ю.А. Древняя Фергана: Автореф. дисс. ...канд. ист. наук. – Ленинград, 1954. – С.19.

кўлга киритди¹⁸. 1962 йилда эса унинг Фарғона водийси сўнгги бронза ва илк темир даври ёдгорликларини ўрганишга бағишланган умумлаштирувчи монографияси эълон қилинди¹⁹. 1979 йилга келиб, Ю.А.Заднепровскийнинг докторлик диссертациясида қадимги Чуст деҳқончилик маданиятини ўрганиш натижалари ўз ифодасини топди. Унда бу маданиятга оид уй-жойлар, кулолчилик намуналари, меҳнат қуроллари ва ёдгорлик турлари таҳлил этилди²⁰.

XX асрнинг 60-йилларга келиб, Б.А.Латинин ўзининг олдинги материалларини қайта ишлаб, янгидан эълон қилди. У ўзининг Фарғона маданиятини даврлаштириш ҳақидаги олдинги фикрларига ўзгартиришлар киритди. 1961 йилда Н.Г.Горбунова Фарғона водийси илк темир даври ёдгорликларини ўрганиш натижаларини умумлаштирди²¹. Ушбу ишда муаллиф қадимги деҳқончилик маданиятини кетма-кетлик тамойили асосида даврлаштирди. Мазкур муаммо ечимига Б.Х.Матбобоевнинг номзодлик диссертацияси бағишланган ва унда географик ҳолат, хунармандчилик ва хўжалик типлари ҳақида янги маълумотлар тўпланган²². Айнан шу даврда Чуст маданияти тарихини ўрганиш бўйича йирик умумлашма диссертация ва таҳлилий мақолалар пайдо бўлди.

Диссертация биринчи бобининг «*Кўчманчи чорвадорлар маданияти ёдгорликларининг ўрганилиш тарихи*» деб номланган иккинчи бандида кўчманчи чорвадорларнинг Фарғона водийсидаги бир неча археологик комплекслари аниқланган ва ўрганилган бўлиб, унинг археологик ўрганилиш тарихи шартли равишда тўрт босқичга бўлинган: I босқич (XIX аср охири – XX асрнинг 20–30-йиллари) дастлабки маълумотларни йиғиш ва ёдгорликларни изоҳлаш даври эди. II босқич (1930-1940 йй.) – археологик ёдгорликлар илмий ўрганилишининг бошланиш даври. 1939-1940 йилларда бир қатор каналларнинг қазилиш вақтида Фарғона водийси кўчманчи чорвадор аҳолиси тарихи ҳақида маълумотлар олинган. Улар ичида «скиф (сак)» типига хос топилмалар ва бронзадан ясалган қозон алоҳида аҳамиятга молик²³. III босқич (1946-1980 йй.) – СССР ФА томонидан А.Н.Бернштам бошчилик қилган Помир–Олой (1946-1948 йй.) ва Помир–Фарғона (1950-1952 йй.) комплекс экспедицияларининг ташкил этилиши билан бошланади.

Қадимги Фарғонанинг ғарбий қисмида, Қайроққум сув омбори

¹⁸ Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. – Москва, – Ленинград, 1962. – № 118. – С.45-47.

¹⁹ Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. – Москва, – Ленинград, 1962. – № 118. – С.50.

²⁰ Заднепровский Ю.А. Чустская культура Ферганы и памятники раннежелезного века Средней Азии: Автореф. дисс... докт. истор. наук. – Москва: ИА АН СССР, 1978. – С.44.

²¹ Горбунова Н.Г. Культура Ферганы в эпоху раннего железа: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ленинград: ЛОИА АН СССР, 1961. – С.15.

²² Матбабаев Б.Х. Локальные варианты чустской культуры Ферганы: Автореф. дисс. ... канд. истор. наук. – Ленинград: ЛОИА АН СССР, 1985. – С.18-21.

²³ Массон М.Е. Экспедиция археологического надзора на строительстве Большого Ферганского канала // КСИИМК. – Вып. 4. 1940. – С.52-54; Оболдуева Т.Г. Отчет о работе первого отряда археологической экспедиции на строительстве Большого Ферганского канала // ТИИ АН УзССР. Том.4. – Ташкент, 1951. – С. 7-40; Заднепровский Ю.А., Бушков В.И. Предметы кочевников эпохи раннего железа в Эйлтанском районе Ферганы // СА. №3. – Москва, 1998. – С.136-141.

қурилиши муносабати билан XX асрнинг 50-йиллари ўрталаридан Б.А.Литвинский раҳбарлигида кенг кўламли археологик изланишлар олиб борилди. Натижада, 1954-1956 йиллар давомида 60 дан ортиқ жойларда бронза ва илк темир даври чорвадор дашт қабилаларининг манзилгоҳлари, Дахана, пункт №22 каби қабристонлар топилди ва уларда археологик қазишмалар ўтказилди²⁴. Н.Г.Горбунова ва Б.З.Гамбурглар 1950-йилларда Жанубий Фарғонанинг адирлик жойларидан бронза даврининг Водил ва Карамкўл ёдгорликларини топадилар²⁵. Демак, бу босқичда кўчманчи чорвадорларнинг маданиятини археологик ўрганиш борасида микдорий ўсиш кузатилди. А.Н.Бернштам, Ю.А.Заднепровский, Б.А.Литвинский, Н.Г.Горбуноваларнинг умумлашма тадқиқотлари яратилди. IV босқич XX асрнинг 80-йилларидан бошланиб, ҳозирги кунга қадар давом этмоқда.

Тадқиқотнинг «*Ёзма манбаларда Фарғона водийси деҳқон жамоалари ва чорвадорлари маданияти ва тарихининг акс этиши*» деб номланган учинчи бандида ўрганилган масала манбашунослик нуқтаи назаридан таҳлил қилинган.

XIX асрнинг иккинчи ярми – XX аср ғарб ва совет тарихшунослигида «Авесто жамияти» ва «Авесто» яратилган юрт тўғрисида сўз кетганда, бу ҳудудни Амударёдан жанубда деб тасаввур этишган. Аммо кейинги йилларда М.Х.Исамиддинов Ўрта Осиёнинг илк темир даври жамиятларини (шу жумладан, Чуст маданиятини ҳам) айнан «Авесто» талқин қилган жамиятларга тўғри келишини айтган²⁶. Водийда содир бўлган ижтимоий жараёнлар «Авесто»да акс эттирилган қадимий жамиятларнинг ривожланиши хусусиятларига анча яқин бўлган²⁷. Авестошунослардан Ҳомиджон Ҳомидий ва тарихчи Ўринбой Сўфиевларнинг ишлари орқали Эронда форс тилида чоп этилган «Авесто» нашрида «Суҳи Фардафшун» деган атама борлигини аниқладик. «Фардафшун» суғдийда «шимоли-шарқий маскан» маъносини англатади²⁸. Яъни, Сўх «Авесто жамияти» ҳудудларининг энг шимоли-шарқий чеккасидаги маскан эканлигига ишора

²⁴ Литвинский Б.А. Бронзовый и раннежелезный век. // «Археологические и этнографические коллекции Музея Института истории, археологии и этнографии АН Таджикской ССР. – Душанбе, 1956. – С. 11–13; Ўша муаллиф. Работы отряда по изучению памятников бронзового века в Кайраккумах в 1955. Тр. АН Таджикской ССР, Т. LXIII. – Душанбе, 1956. – С.27-34; Ўша муаллиф. Изучение памятников эпохи бронзы и раннего железа в Кайраккумах в 1956 г. Тр. АН Таджикской ССР, Т. ХСІ. – Душанбе, 1959. – С. 39–51; Ўша муаллиф. Памятники эпохи бронзы и раннего железа в Кайраккумах. Материалы Всесоюзное совещание археологов и этнографов Средней Азии. – Москва-Ленинград, 1959.–С.191–196; Ўша муаллиф. Даханийский могильник эпохи бронзы в Западной Фергане. КСИИМК. – Вып. 80. 1960. – С.47–52; Ўша муаллиф. О топорах эпохи бронзы из Таджикистана. «Известия Общественных наук АН Тадж. ССР. – Вып. I (24). 1961. – С.59–66.

²⁵ Гамбург Б.З., Горбунова Н.Г. Могильник эпохи бронзы в Ферганской долине. КСИА, Вып.63. – Москва, 1956. – С.85–93; Ўша муаллифлар. Новые данные о культуре эпохи бронзы Ферганской долины. // СА, № 3, 1957. – С.130–133.

²⁶ Исомиддинов М.Х. Илк зардўштийлик даври ва Самарқанд. // Ўзбекистон тарихи. – Тошкент, 2001 – №3. – Б. 42-47.; Исамиддинов М.Х. Ремесло древней Средней Азии и общество Авесты // Цивилизации и культуры Центральной Азии в единстве и многообразии. Материалы Международной конференции Самарканд, 7-8 сентября 2009 г. – Самарканд-Ташкент, 2010. – С.151-155.

²⁷ Заднепровский Ю.А. Древнеземледельческая культура Ферганы // МИА. – Москва-Ленинград., 1962. – № 118. – С.91-92.

²⁸ Сўфиев Ў. Сўхнома. Тарих ва истиқлол одимлари. – Фарғона, 2013. – Б.14.

бўлган бўлиши керак. «Авесто»да ёритилган жамият Амударё билан Сирдарё ўртасида, шунингдек, Фарғона водийси аҳолисининг илк темир даврида яшаган деҳқон жамоалари ва чорвадорлар жамиятларининг ҳаётига маълум даражада ойдинлик киритади. «Авесто»да акс этган жамиятларнинг талқини дастлаб В.А.Лившиц, унинг шогирди М.М.Исҳоқов ва А.А.Асқаровлар томонидан мукамал тарзда талқин қилинган.

Фарғона водийси тарихини антик давр тарихчилари томонидан қандай ёритилганлиги Н.Г.Горбунова томонидан ўрганилган²⁹. У антик дунё тарихчиларини ишларидан географик атамаларни излайди ва бу ишларда энг кўп учраган атама, албатта, Сирдарё бўлган.

Фарғона водийси – саклар мамлакати. Бу фикрлар айтилганда, яна бир нарсага эътибор беришимиз керак. У ҳам бўлса, юнон тарихчилари жуда кўп халқларни «варварлар» деб айтишган. Шулар жумласига сўғдийлар ҳам, саклар ҳам киради. В.В.Григорьев фикрича, Арриан томонидан аҳолининг ўтроқ қисми «варвар» деб айтилган. Келиб чиқадики, агар у Сирдарёнинг нариги томонидаги аҳолини варварлар деб айтган бўлса, демак, дарёнинг ўнг томонидаги аҳоли Александр даврида ўтроқ бўлган³⁰. Фарғона водийси билан боғлиқ антик давр ёзма манбаларини таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, водийда саклар даврида ўтроқ деҳқончилик қилиб кун кўрадиган аҳоли билан бирга кўчиб юриб чорва молларини боқадиган аҳоли яшаган.

Диссертациянинг «**Фарғона водийсининг илк чорвадорлар ва деҳқон жамоалари: ижтимоий-иқтисодий ва маданий жараёнлар**» номли иккинчи бобида Фарғона водийсидаги бронза ва илк темир даври маданий ривожланиши, ижтимоий-иқтисодий муносабатлар, эътиқод ва диний қарашлар таҳлил қилинган. Ушбу бобнинг биринчи банди «*Фарғона водийсининг бронза даври маданиятларининг даврлаштирилиши ва ижтимоий-иқтисодий муносабатлари*» га бағишланган.

Водий ёдгорликларидан дала тадқиқотлари жараёнида олинган археологик материаллар мил. ав. III–I минг йилликларига тўғри келган ва табиийки, бу қадар катта тарихий давр ёдгорликлари бир хил бўлмаган. Қадимги Фарғона моддий маданияти ёдгорликларининг турли-туман бўлиши водийда бирга умргузаронлик қилиб келган зироатчи ва чорвадор халқларнинг мураккаб тарихини, ижтимоий-иқтисодий ва маданий ҳаётини акс эттиради.

Қайроққум маданиятига бир-бирдан фарқ қилувчи аҳоли манзилгоҳлари ва қабристонлар киради. Қайроққум манзилгоҳидаги қазилма натижалари Б.А.Литвинский томонидан тўлиқ чоп этирилган³¹, қазилган қабр материаллари эса Н.Г.Горбунова томонидан умумлаштирилган³². У Қайроққум маданий ёдгорликлари тавсифида нафақат манзилгоҳдаги

²⁹ Горбунова Н.Г. Фергана по сведениям античных авторов. В кн. «История и культура народов Средней Азии». – Москва, 1976. – С.26-29.

³⁰ Григорьев В.В. О скифском народе саках. – Санкт-Петербург, 1871. – С.27.

³¹ Литвинский Б.А. Памятники эпохи бронзы и раннего железа // Древности Кайрак Кумов./ Тр. ИИ АН. Т. XXXIII. – Тадж.ССР, 1962.

³² Горбунова Н.Г. О культуре степной бронзы Ферганы // АСГЭ, 1995. – Вып.32. – С.17.

топилмалардан, балки Фарғона даштларидан топилган бошқа буюмлардан ҳам кенг фойдаланади.

Қайроққумликлар ҳаётининг иқтисодий асоси чорвачилик бўлган. Бу ерда йирик ва майда шохли ҳайвонлар ҳамда от суяклари топилган. Жайрон суяклари овчиликнинг, балиқ овлайдиган илмоқлар эса балиқчиликнинг мавжудлигига ишора қилади. Агар дашт қабилаларининг хўжалигида чорвадан кейинги иккинчи ўринда металлсозлик туришини ҳисобга олсак, Андроново уруғ жамоаларининг катта гуруҳини ғарбий Фарғонага, Қайроққум массивига келиб жойлашиши бежиз эмас эди.

Қайроққумликлар ҳаётидаги ишлаб чиқариш жарёнида кулолчилик маҳсулотлари муҳимдир. Қайроққум типигади кулолчилик буюмлари кўлда ясалган. Тоштарошлик ёки тош билан ишлаш хунармандчилиги ҳам ривожланган³³.

Андроново маданияти чорвадорлари аста-секинлик билан деҳқон жамоаларига ўта бошлаган. Айниқса, буни Чуст маданияти археологик комплекслари билан солиштирилганда яққол кўринади. Қайроққум маданияти Чуст маданияти аҳолиси билан иқтисодий ва маданий алоқада бўлган³⁴.

Чуст манзилгоҳи аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётидан дарак берувчи янги топилмалар билан бойиди³⁵. Тадқиқотлар натижасида қуйидаги маълумотлар олинди:

Чуст тураржойлари уч хил: синчли уйлар, пахса ва ғиштдан тикланган уйлар ҳамда ертўлалардан иборат бўлган; деҳқончилик мавсумий сувлардан фойдаланилган ҳолда ва сунъий суғориш тизимининг йўлга қўйилиши натижасида амалга оширилган; чорвачиликнинг хонаки усули ривожланган ва овчилик ҳам бўлган; кулолчилик, тўқимачилик, металл ишлаш, заргарлик, сангтарошлик ва бошқа хунармандчилик соҳалари кенг ривожланган; дафн маросими билан боғлиқ урф-одатлари аниқланган. Яъни, марҳумлар чалқанчасига ўнг ёки чап томони билан ётқизилган³⁶.

Кулолчиликдаги ишлаб чиқариш анъанаси Саразм маданиятида ҳам, Чуст маданиятида ҳам бир хиллигини ва бундан келиб чиқиб, Чуст маданиятининг келиб чиқишида Саразм маданияти анъаналарининг ўрни борлигини кўриш мумкин. Чуст маданиятини илк ва ривожланган бронза даври металлургияси таркибини ўрганган В.Рузанов Фарғона водийсига энг дастлабки металл Эрон худудларидан келтирилганлигини айтади³⁷. Саразм маданиятига асос бўлган Геоксур маданияти ҳам Жанубий Туркменистон ва Шимолий Эрон худудларидан келган маданият эди ва Саразм маданияти

³³ Литвинский Б.А. и другие. Древности Кайрак-Кумов. – Душанбе, 1962. Т. XXXIII. – С.224, табл. 49, 1.

³⁴ Асқаров А. Ўзбек халқининг келиб чиқиш тарихи. – Тошкент: O'zbekiston, 2015. – Б.654.

³⁵ Заднепровский Ю.А., Матбабаев Б.Х. Основные итоги изучения Чустского поселения в Фергане (1950-1982 гг.) // ИМКУ. – Вып. 19. – Ташкент, 1984. – С.46-71.

³⁶ Матбобоев Б.Х. Чуст ёдгорлиги // Фарғона водийсининг қадимги шаҳарлари. – Тошкент, 2008. – Б.38-42.

³⁷ Рузанов В.Д. Металлургия меди и бронзы чустской культуры Ферганы / Новые данные о происхождении, хронологии, характере и особенностях развития производства // Материалы международной научной конференции: Цивилизации Центральной Азии: Земледельцы и скотоводы, традиции и современность. – МИЦАИ. – Самарканд, 2002.

анъаналарини Чуст маданиятида давом этиши табиий ҳолдир.

Чуст маданияти келиб чиқишидаги шу кунгача кенг ёйилган назария – бу Андроново маданияти таркибидаги чорвадор аҳолининг жанубдаги илғор деҳқончилик маданияти таъсири остида ўтроқ ҳолатга ўтиши натижасида келиб чиққанлигидир. Аммо водийдаги бир қатор осори атиқалар (Сўх тоштумори, Ўш ва Қорасув «тарози тошлари», Хок ва Афлотун хазинаси, Айримач-тооу қояларидаги икки бошли илон тасвири) борлигини ҳисобга олиб ва бу топилмаларнинг жануби-ғарбий ҳудудларда айнан ўхшашлари борлиги сабабли, биз Фарғонада Саразм маданияти даражасидаги бободехқонлар бўлганлиги ва шу маданият авлодлари Чуст маданиятининг келиб чиқишига катта таъсирини ўтказишганини таъкидлаймиз.

Иккинчи бобнинг «*Илк темир даврида маданий тараққиёт ва ижтимоий-иқтисодий ҳаёт*» номли иккинчи бандида Эйлтон-Оқтом маданияти ривожланишининг хусусиятлари очиқ берилган.

Илк темир даврига бағишланган умумлашма монографияларда кўпроқ археология масалалари, моддий маданият тарихи ёритилган бўлса-да, оила, уй жамоаси, умуман, жамият тарихига доир маълумотлар ҳам ўрин олган³⁸. Чуст маданиятидан сўнг қадимги Фарғонада уларнинг ворислари сифатида Эйлтон маданияти номи остида илк темир даври ёдгорликлари шаклланади. Археологлар Эйлтон маданияти даврига оид кўплаб темирдан ясалган буюмларни топдилар³⁹.

Кейинчалик Н.Г.Горбунова икки сўздан ташкил топган Эйлтон-Оқтом маданияти номини таклиф этди⁴⁰. Эйлтон ва Оқтом маданиятлари бири деҳқончилик маданияти, иккинчиси кўчманчи чорвадорларга тааллуқлидир.

Ю.А.Заднепровский Эйлтон маданиятини мил. ав. VII-IV асрлар билан даврлаштиришининг бир нечта сабаблари бор. Биринчидан, Эйлтон маданияти Чуст маданиятининг тўғридан-тўғри давоми. Иккинчидан, Чуст маданияти ёдгорлигида темирдан ясалган қуроллар камдан-кам учраса, Эйлтон даври ёдгорликларида темирдан ясалган қурол-аслаҳа ва бошқа хўжалик буюмлари кўпроқ учрайди. Қабрлардан скиф (сак) типидagi камон ўқлари учларининг учраши жуда характерлидир.

Фарғона саклари асосан кўчманчи-чорвачилик қилиб кун кўрганликлари боис уларнинг доимий тураржой маконлари қолмаган. Шунинг учун уларнинг яшаш тарзини фақат мазор-қўрғонларни ўрганиш билангина билиш мумкин. Фарғона водийсининг жанубий ҳудудларида ҳам бир қатор мазор-қўрғонлар очилди. Булар Кунгай қабристон, Оқтом, Суфон, Каркидон I, Ўрикзор, Толмазор, Ниёзботир, Хонқиз I, водийнинг шимоли-ғарбида Дашти-Ашт, жануби-шарқида Озгор II, жануби-ғарбда Андархон ва бошқалардир. Чорвадорларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти кўпроқ уларнинг

³⁸ Абдуллаев Ў.И. Ўрта Осиёда илк темир даврида ижтимоий алоқалар, оила ва уй жамоаси. // Ўтмишга назар. Тошкент, 2019. – №4. – Б.76.

³⁹ Ўзбекистон тарихи. Хрестоматия. 1-жилд. – Тошкент: Фан, 2014. – 448 б.

⁴⁰ Горбунова Н.Г. Итоги исследования археологических памятников Ферганской области (к истории культуры Ферганы). СА, №3. – Москва, 1979. – С.16-34.

мозор-қўрғонларидан топилган материаллари асосида ўрганилади⁴¹.

